




2021



**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМИ:
ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА
МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК”
ХАЛҚАРО ФОРУМИ**

24-25 НОЯБРЬ



INTERNATIONAL EDUCATION FORUM



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

“Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форум иштирокчиларига



Хурматли анжуман қатнашчилари!

Аввало, сиз, азизларни “Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форумнинг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва езгу тилакларимни билдираман.

Сиз, бугунги анжуман иштирокчилари - ўз ҳаётини ёш авлодни тарбиялашдек улуғ ишга бағишлаган тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар, педагог олимлар, нуфузли эксперт ва мутахассислар, соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар ҳозирги шиддатли замонда инсон ҳаётида таълимнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини албатта яхши тушунасиз.

Ушбу форумда дунёнинг 30 дан зиёд давлатлардан, БМТ, YUNESKO, YUNISEF, Осиё тараққиёт банки, AYSESKO каби нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этаётгани ҳам бу масалага жаҳон миқёсида қизиқиш катта эканини тасдиқлайди.

Албатта, биз юртимизда ҳар бир инсон еркин ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистонни барпо етишдек буюк мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, бунинг учун аввало илғор билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни пухта егаллаган, маънавий-интеллектуал даражаси юксак, соғлом ва баркамол авлодни вояга йетказиш лозимлигини яхши тасаввур етамиз. Шу боисдан

ҳам замонавий боғчалар, мактаб ва олийгоҳларни ташкил етиш, юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, жонкуяр зиёлилар авлодини шакллантиришга алоҳида еътибор бермоқдамиз.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим ривожини янги босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда халқаро талаблар даражасида таълим-тарбия берадиган боғчалар, мактаблар, жумладан, Президент мактаблари, олий ўқув юртлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия Янги Ўзбекистоннинг маърифий қиёфасини белгилайдиган, юксак тараққиётини таъминлайдиган муҳим соҳалардан бирига айланмоқда.

Биз бу йўлда ички имкониятларимиз билан бирга, амалга ошираётган туб ислохотларимизга хайрихоҳлик билан қараётган, Ўзбекистон тимсолида ўз истиқболини кўраётган хорижий ҳамкорларимизга, мард ва олижаноб ватандошларимизга таянамиз.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори таълим тизими ҳам ҳамкорлик учун қулай ва жозибали йўналишга айланмоқда. Соҳада давлат-хусусий шериклик тамойиллари кенг жорий етилаётгани, хусусий боғча, мактаб ва олийгоҳлар давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани, ўз сармоясини шу соҳага йўналтираётган тадбиркорлар учун кўплаб йенгиликлар яратилаётгани нафақат юртимиздаги, балки чет еллардаги тадбиркорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сизлар анжуман давомида ана шундай имкониятлар билан янада кенг танишиб, Янги Ўзбекистон таълим тизими бўйича ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қиласиз, шу борадаги иш тажрибангиз билан ўртоқлашиб, амалий таклиф ва тафсияларингизни илгари сурасиз, деб умид қиламан.

Ишончим комил, форум доирасида халқаро ҳамкорликка оид янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилиши, янги мақсад ва режалар белгиланиши Янги Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасига киритилган инвестиция - келажакка қўйилган енг ишончли сармоя экани ва албатта ўзининг ижобий натижасини беришини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз.

Сизларга шу йўлда улкан ютуқ, ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1-кун

24 ноябр 2021 йил



Ўтказиш жойи:
Халқаро анжуманлар саройи, Тошкент шаҳри

- 9.00-10.00 Кўргазма
- 10.00-10.10 **Абдужабар Абдувахитов** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси
- 10.10-10.20 **Хилола Умарова** – Президент таълим муассасалари агентлиги директори
- 10.20-10.25 **Стефания Жанини** – UNESCO Бош директорининг таълим ишлари бўйича ўринбосари (видеомурожаат)
- 10.25 -10.35 **Волфганг Херрман** – Янги Ўзбекистон университетининг фахрий ректори
- 10.35 -10.45 **Вижай Кумар** – MIT (J-well) директори ўринбосари
- 10.45 -11.00 **Николас Девис** – “Times Higher Education” ташкилоти бош директори
- 11.00 -11.20 Кофе-брейк

ТАҚДИМОТЛАР

- 11.20 - 11.30 **Хилола Умарова** – Президент таълим муассасалари агентлиги директори
- 11.30 - 11.40 **Стив Кинг** – “Cambridge Assessment” ташкилотининг таълим бўйича маслаҳатчиси
- 11.40 - 11.50 **Жемал Йилдиз** – Туркия таълим вазирлиги Олий таълим ва хорижда таълим бошқармаси бошлиғи
- 11.50 -12.00 **Фридерика Хеттингер** – “TUM International” ташкилоти раҳбари
- 12.00 – 12.10 **Элёр Жумаев** – Янги Ўзбекистон университети ўқув ишлари бўйича проректори
- 12.10 -12.20 **Марк Купер** – Portsmut университети проректори
- 12.20 -12.30 **Мартин Севиор** – Notingem Trent университети профессори
- 12.30 - 12.40 **Тамила Алиева** – “Замин” халқаро жамоат фонди директори
- 12.40 -12.50 **Шанмуғам Мурти** – “Team Coach” ташкилоти раҳбари
- 13.00 -14.00 Тушлик
- 14.00 – 15.00 Давра суҳбати – Глобал таълимда мавжуд муаммолар ва уларнинг йечими: хориж тажрибаси ва интеграция
- 15.00 -16.00 МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАШ

2-кун

25 ноябр 2021 йил



Ўтказиш жойи:
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб

- 9.00-9.30 Иштирокчиларни рўйхатга олиш
- 9.30-9.40 Кириш сўзи – **Хилола Умарова**, Президент таълим муассасалари агентлиги директори
- 9.40-9.50 **Стив Кинг** – “Cambridge Assessment” халқаро таълим ташкилоти
- 9.50-10.00 **Дениз Уоддингхем** – Британия кенгаши
- 10.00-10.10 **Гери Буркхолдер** – “Research Triangle institute” (RTI)
- 10.10-10.20 **Уилям ЎРоарк** – Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари
- 10.20-10.30 **Томас Топҳам, Наргиза Кучкарова**, Президент таълим муассасалари агентлиги
- 11.00-11.30 Кофе-брейк
- 11.30-13.15 Маҳорат дарслари ва тақдимотлар (шўбаларда)
- 13.15-14.00 Тушлик
- 14.00-15.30 Маҳорат дарслари ва тақдимотлар (шўбаларда)
- 15.30-16.00 Иштирокчилар билан интерактив ўйинлар
- 17.00-19.00 Ёпилиш маросими ва концерт дастури



2021 йилнинг 24-25-ноябр кунлари Тошкент шаҳрида **“Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик”** халқаро форуми – таълим масалаларига бағишланган йирик тадбир бўлиб ўтди. Форум Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил етилди.

Форумда таълим соҳасидаги дунёнинг етакчи ташкилотлари, нуфузли таълим муассасалари вакиллари, элчилар, ҳукуматнинг таълим соҳаси бўйича масъуллари, педагоглар, соҳа экспертлари ва таълимни ривожлантириш бўйича ўзига хос таклифларга эга ёшлар иштирок этди.

8 та хорижий ташкилотлардан 12 нафар меҳмонлар ташриф буюришди, булар:

Стив Кинг – Cambridge Assessment таълим ташкилотининг (Буюк Британия) таълим бўйича маслаҳатчиси

Меган Томас – Cambridge Assessment таълим ташкилотининг (Буюк Британия) таълим бўйича маслаҳатчиси

Вижай Кумар – Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс технология институти директори ўринбосари

Ник Девис – “Times Higher Education” халқаро ташкилоти бош директори

Фредерика Хеттингер – TUM International ташкилоти раҳбари

Лачин Италмазова – Times Higher Education ташкилотининг Минтақавий директори

Доктор Кетрин Керролл-Меҳан – Портсмут универ-

ситетининг (Буюк Британия) Таълим ва социология мактаби раҳбари

Марк Купер – Portsmut университетининг Таълим бўйича ҳамкорлик проректор ўринбосари

Мартин Севиоур – Notingham Trent университети (Буюк Британия) профессори,

Шанмугам Д.Моорти – “Team Coach International” (Малайзия) ташкилоти Бош директори ва Таъсисчиси

Жемал Йилдиз – Туркия Миллий таълим вазирлигининг олий ва хорижда таълим бошқармаси бошлиғи

Туба Куркмаз, Танер Кузучулар – Туркия Миллий таълим вазирлигининг Режалаштириш ва мувофиқлаштириш бўлими ходимлари

ФОРУМ ДОИРАСИДА ЁРИТИЛГАН МАВЗУЛАР:

- ☑ Глобал таълимда мавжуд муаммолар ва уларга ечим: хориж тажрибаси ва интеграция
- ☑ Рақамлашган даврда чет тилларни ўқитиш кўникмалари
- ☑ Замонавий меҳнат бозори талабларига мувофиқ таълим беришнинг асосий омиллари

- ☑ Иқтидорли ёшлар учун сифатли таълим шароитлари яратиш
- ☑ Глобал миқёсдаги маориф янгиликларини маҳаллий шароитга жорий этиш
- ☑ STEAM фанларини жорий қилишнинг ҳозирги муаммолари ва келажакдаги стратегиялари

ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИ, 24 ноябр 2021 йил

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган табриги билан очилди. Ушбу тантанали маросимда давлат арбоблари, нуфузли университетлар вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, элчилар қатнашдилар.



Форумнинг биринчи кунида 200 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашди, жумладан, Ўзбекистондаги фавкулудда ва мухтор элчилар, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, турли таълим ташкилотлари ҳамда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим муассасалар раҳбарияти иштирок этишди.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган табригидан сўнг Президент таълим муассасалари агентлиги директори Хилола Умарова сўзга чиқиб, XXI аср ёшларини тарбиялашда миллий қадриятларга суяниш ва замонавий илм-фан ҳамда технологияларни интеграция қилиш алоҳида аҳамиятга эгаллиги, бугунги форум таълим соҳасидаги халқаро алоқаларни кучайтириш ва хорижий тажрибаларни таълим соҳасига жалб этишга хизмат қилишини таъкидлади.




Notingham Trent университети профессори **Мартин Севиор** ялпи мажлисда Буюк Британиянинг олий таълимидаги тенденциялари ҳақида гапирди



"TUM International" ташкилоти раҳбари **Фридерика Хеттингер** билан ўзаро Янги Ўзбекистон университети ҳамкорлиги ҳақида сўзлади

ФОРУМНИНГ МАҚСАДИ:

- ✔ Глобал таълимни ривожлантириш
- ✔ Ўқитиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш
- ✔ Ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича долзарб вазифа ва масалаларни муҳокама қилиш
- ✔ Қўшма дастурлар асосида талабаларни ўқитиш ҳамда амалиёт ўташ
- ✔ Ўқитувчилар малакасини ошириш
- ✔ Янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш



MITJ-well директори ўринбосари **Вижай Кумар** Массачусетс технология университетининг "Янги Ўзбекистон" университети билан ишлаб чиқиб йўлга қўйилган ўқув дастурлари ҳақида гапирди


АГЕНТЛИК ТИЗИМИДАГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР

Анжуманлар саройининг кўргазмалар залида Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар томонидан ташкил етилган кўргазма намоиши ўтказилди. Унда форум иштирокчилари ижодкор ўқувчилар билан учрашиб, уларнинг лойиҳа ва тақдимотлари билан танишди.



Форум таълим тизимидаги глобал муаммолар муҳокамаси ҳамда уларни ҳал етиш масалаларига бағишлангани туфайли, дунёнинг турли нуқталаридан ташриф буюрган тажрибали мутахассисларнинг айна мавзулардаги тақдиротлари тингланди. Бундан ташқари, Форум давомида турли долзарб мавзуларида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

200 нафардан ортиқ Агентлик ва таълим тизимидаги ўқитувчилар иштирокида ўтказилган ялпи мажлисда педагогларнинг малака ошириш, тажриба алмашиш масалаларининг янги босқичга ўтаётгани ҳақида сўз юритилди.




Агентлик ва Халқ таълими тизимидаги мактаб ўқитувчилари учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда Cambridge Assessment ташкилотининг таълим бўйича маслаҳатчиси Стив Кинг, Президент таълим муассасалари агентлиги директори Хилола Умарова, Туркия Таълим вазирлиги Олий таълим ва хоризжда таълим бошқармаси бошлиғи Жемал Йилдиз педагогларнинг малака оширишлари бўйича замонавий методикалар муҳокама қилинди.



Форумнинг 2-куни ялпи мажлис иштирокчилари



Форумнинг 2-куни барча мутахассислар учун ялпи мажлис билан бошланиб, унда педагогларнинг малака оширишлари бўйича замонавий методикалар муҳокама қилинди



Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари вакили Уилям О'Роарк конференцияда Америка кенгашлари томонидан инглиз тили ўқитувчилари учун малака ошириш "ESN" лойиҳаси ҳақидаги тақдироти



Nottingham Trent университети профессори Мартин Севиор университетда малака ошириш учун яратилган имкониятлар ҳақида сўзлади



Cambridge Assessment ташкилотининг таълим бўйича маслаҳатчиси Стив Кинг ПДК малака ошириш дастури ҳақида тушунча бермоқда


Германиянинг Мюнхен техника университети қошидаги "TUM International" ташкилоти раҳбари Фредерика Хеттингер ўз тақдимотида университетларга ўз вазифасига тўғри ёндашувни танлашга ёрдам бериш, талабаларга ўз иқтидори ва интилишларига кўра қизиқиш ҳамда қобилиятларига мос келувчи олий таълим муассасасини танлашда кўмаклашиш, олий таълимда ўқитишнинг инновацион ва тадқиқот трансформациясини таъминлашда кўмаклашиш, шунингдек, у таълим муҳитининг омиллари ҳақида гапириб, "TUM International" ташкилотининг дунё университетларини ўрганиш жараёнида улар ҳақидаги энг муҳим маълумотлардан бири университетларнинг жамиятга бўлган таъсирини белгилаш эканлигини айтиб ўтди.



Portsmouth университети (Буюк Британия) проректори Марк Купер ўз тақдимотида университети ва у жойлашган шаҳар тарихи, унда маҳаллий аҳолидан ташқари дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларидан келган талабалар таҳсил олиши, шунингдек, университет дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан илмий-тадқиқот бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги, шунингдек, университетдаги ўқув йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтди.




Форумнинг 2-кунида Агентлик тизимидаги мактабларнинг маҳаллий ва хорижлик ўқитувчилари, шунингдек, халқаро университетлар профессор-ўқитувчилари томонидан таълимнинг долзарб масалалари ва янги инновацион технологияларга асосланган методика бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Бунда Агентлик ва Халқ таълими тизимидаги ўқитувчилар илғор хорижий тажрибалар асосида XXI аср кўникмаларини ўз дарсларида ривожлантириш йўллари ўргандилар.




Бухоро давлат университети профессори Ралф Шуслер Инглиз тилига хос товушлар талаффузини ўргатиш методикаси ҳақида тушунча бермоқда.




Фарғона вилояти Кува шаҳридаги 49-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Носиржон Давлатов XXI аср тил дарсларида танқидий фикрлашни ривожлантирувчи топшириқлардан фойдаланиш ҳақида



Гулистон шаҳридаги Президент мактаби Филип Лоҳре маҳорат дарсида



АҚШ элчихонаси Алмашинув дастури Жеримиас Дремониз маҳорат дарсида



Президент таълим муассасалари агентлигининг малака ошириш бўйича консултант Томас Топхам Форум сўнгида семинар-тренинглар ўтган маҳаллий ва хорижий таълим соҳаси вакилларига сертификатлар топширмоқда



Kate Bridgman, Инглиз тили ўқитувчиси, Фарғона давлат университети

“Интерактив тилларга бой синф учун стратегиялар”

Ушбу сессияда мунозаралар ва турли нутқий фаолиятлар ёрдамида ўқувчиларни жалб қилиш учун интерфаол стратегияларни ўрганишга қаратилган. Бир нечта оддий кўрсатмали стратегияларни амалга ошириш орқали ўқитувчилар ўз синфларида фаоллик даражасини оширишлари ҳамда контент соҳасида академик нутқдан фойдаланишни рағбатлантиришлари мумкин. Ўқувчилар тил орқали алоқа қилишнинг бир нечта имкониятларига ега бўлганда, улар нафақат тил ўрганадилар, балки мазмунли материаллар билан шуғулланиш учун зарур бўлган кўникмаларга ега бўладилар ва ўзларидаги ишончни ривожлантирадидилар. Ушбу усуллар сўз бойлигини ошириш, ўқувчиларнинг жавобларини рағбатлантиришда жуда самарали. Ушбу тақдимот интерактив ва кизиқарли бўлган “фойдаланишга тайёр” стратегияларни таклиф қилади.



Mr. Teswell ва Mr. Абдурасул, Фарғона Президент мактаби

“Замонавий математика дарсида асосий кўникмаларни ривожлантириш”

Технология дунёимизни қайта шакллантираётган пайтда ёшларни меҳнатга ва кейинги таълимга тайёрлаш, билимларни қандай саралаб олиш ва егаллашда улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўқувчилар учун энди фақат билим олишнинг ўзи йетарли эмас. Асосий кўникмалар бугунги кунда ва келажакда яшаш, ўрганиш учун зарур бўлган муҳим кўникмалардир. Ушбу муҳим ҳаётий кўникмалар мактаб ўқув дастурида ва ҳар бир фан соҳасида ишлаб чиқиши лозим. Бош кўникмалар ишлаш жараёнида намоён бўлади ва ҳаракат талаб қилади. Семинарнинг мақсади асосий кўникмалар концепциясини ва замонавий математика дарсида ушбу қобилиятларни ривожлантиришга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўрганишдир. Иштирокчилар жорий таълим амалиётларини ва ўқитувчилар ўз амалиётлари ҳақида қандай фикр юритишлари мумкинлигини кўриб чиқадилар, ўқувчиларга ривожланишига ва келажакка йўналтирилган таълим муҳитини яратишда ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўзгартиришга олиб келади.



Абдул Ҳамеед, Тошкент Президент мактаби

“Дарсда турли савол-жавоб усуллари қўллаш орқали ўқувчиларни танқидий фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантириш учун қандай рағбатлантириш керак?”

Танқидий фикрлаш ўқувчиларда маълумотни таҳлил қилиш, баҳолаш, шарҳлаш ёки синтез қилиш ҳамда аргумент яратиш, муаммони ҳал қилиш ёки хулоса чиқариш билан боғлиқ ижодий фикрни юзага келтиради. Танқидий фикрлаш замонавий таълим тизимида ўқувчилардан кутилаётган бош кўникмалар сифатида белгиланган. Ўқитувчилар одатда дарсда дуч келадиган асосий муаммолардан бири шундаки, ўқувчилар интерфаол фаолиятда пассив бўлиб кўринади. Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, савол бериш техникаси ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундаш стратегияси ҳисобланади. Ушбу тренинг турли хил савол-жавоб усуллари қўллашга, ўқувчиларни танқидий фикрлашни яхшилашга қандай рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида синфда фаолроқ бўлишга олиб келади ва пировардида Ижодий фикрлашга, ижодкорликка олиб келади.



Халқаро форум ўз ишини 2-куни Агентлик тизимидаги "Янги Ўзбекистон" университетиде ҳам давом эттирди.



"Янги Ўзбекистон" университетиде олий таълим муассасалари ректор, проректор, профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот марказларининг ўрни, рақамли таълимнинг афзалликлари каби масалалар муҳокама қилинди.



Тадбирда TUM International раҳбари Фредерика Ҳеттингер, Times Higher Education минтақавий директори Лачин Италмазова, «Янги Ўзбекистон» университети проректори Элёржон Жумаев ва Агентлик вакиллари сўзга чиқшди.

Надежда Цой, Лидер мактаби.

“Форум ҳақиқатдан ҳам кун жуда қизиқарли бўлди. Мен ўқитувчи сифатида жуда катта тажрибага эга бўлдим. Семинар менинг зеҳнлилик ҳақидаги тушунчаларимни сезиларли даражада кенгайтирди, ундан қандай фойдаланиш ва ривожлантиришни ўргатиш ҳақида ажойиб тушунча берди. Ўқув тренерлар дастури мени касбий ривожланиш бўйича фаолиятни бошлашга ва ўқитиш ва ўрганиш кўникмаларини яхшилашга илҳомлантирди. Жуда қизиқарли тадбир ва ажойиб натижаларга эга маҳорат. Мен ушбу курсни ўқиганимдан жуда хурсандман ва уни ҳамкасбларим билан баҳам кўраман. Катта раҳмат.”



Нодира Исамуҳамедова, Полимаданиятли жамияти ва иммиграция хизматлари, Онтарио, Канада

Президент Таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон Таълими: Ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” мавзусидаги Форум менга жуда манзур бўлди. Бу ҳақиқатан ҳам таълим соҳасидаги маҳаллий ва халқаро экспертларни бирлаштира оладиган халқаро тадбирга айланди. Нутқлар, ялпи мажлис ва семинар тақдимотларида илғор тажриба ва инновацион ғоялар билан ўртоқлашди. Бой тажрибадан ташқари, шуниндек, конференцияда ўқитувчилар ва мураббийлар билан алоқа ўрнатиш учун ажойиб имконият бўлди. Энг муҳими, маҳаллий ўқитувчиларнинг фидойилиги ва меҳнатсеварлиги мени руҳлантирди! Илик кутиб олганингиз ва яхши ташкил қилганингиз учун ташаккур!



Мадина Раҳимова, Бухоро шаҳридаги Президент мактабининг инглиз тили ўқитувчиси

Бутун конференция давомида тақдимотлар, ўрганиш ва ўқитиш усуллари бўйича мастер-классга бой бўлиб, мен ундан катта фойда олдим. Мен ҳам маърузачи, ҳам томошабин сифатида иштирок этиб, бой тажрибага эга бўлдим, дунёнинг турли бурчакларидан келган бошқа ҳамкасбларим билан биргаликда ўрганиш ва фойдали алоқалар ўрнатишни таклиф қиладиган бундай жуда қизиқарли конференцияни ҳеч қачон ўтказиб юбормайман. Келажакда бошқа ўқитувчиларни ҳам шундай анжуманларда иштирок этишларига ундаган бўлардим. Ушбу форумга таклиф қилганингиз учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман.



Азиз Турсунов, Бухоро Президент мактаби математика фани ўқитувчиси

Форумда эътиборимни қаратган биринчи нарсалардан бири бу ақл бовар қилмайдиган энергия эди – кун бўйи унинг қуввати билан руҳланиб юрдим, ўқитиш ва ўрганишнинг жуда қизиқарли ишланмаларини ўзи ичида қамраб олган бой дастур бўлди. Барча семинарлар ва сессиялар хориждан келган юқори даражадаги маърузачилар ва бир қатор маҳаллий экспертлардан ташкил топган. Кўп, ажойиб, қизиқарли нарсалар форум давомида юзага келиб, агар мендан қисқача сўзлар билан фикримни айтишни сўрашганида, улар: ўз ишига садоқатли, ўрганишга бўлган янги ёндашувлар ва мукамаллик, деб таърифлаган бўлар эдим.





Lachyn Italmazova

Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро таълим форумида иштирок этишдан мамнун бўлдим. Форум кўплаб самарали мунозаралар, жумладан Times Higher Education ва "Янги Ўзбекистон" университети ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида бўлиб ўтди. Бизни шундай ажойиб тадбирда иштирок этишга таклиф қилган Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлигининг бутун жамоасига миннатдорчилик билдираман!



Friederike Hettinger

Ўзбекистонда таълим футуристлари йиғилмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Халқаро таълим форумида иштирок этиб, Ўзбекистонда таълимнинг келажаги ва муваффақиятли ҳамкорлик форматлари ҳақида фикр алмашдик. Ташкил этилган "Янги Ўзбекистон" университети мамлакатдаги илмий-тадқиқот, фан ва технологиянинг пойдеворига айланади. TUM International тадбиркорликка йўналтирилган техник университет - "Янги Ўзбекистон" университетининг стратегик ва оператив ҳамкори сифатида ишлайди. Биз ушбу университетнинг Марказий Осиёдаги жонли инновацион экотизимнинг юраги ва ҳайдовчиси бўлиш ниятида қўллаб-қувватлашни мақсад қилганмиз. Ушбу тадбирни ташкиллаштирган Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлигига алоҳида миннатдорчилик билдирамыз!



Жемал Йилдиз,

Самарқанд шаҳридаги Президент мактабида бўлдик. Айтишим мумкинки, Президентингиз ташаббуси билан ташкил этилган бу каби мактаблар Ўзбекистон таълим соҳасида янги, ўзига хос бир модел бўлиб, мамлакатингиз таълими тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Маълумки, Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ўртасида шу вақтда қадар ҳам таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган турк мактабида 35 нафар, олий ўқув юртларида эса 10 га яқин турк ўқитувчиларининг фаолият олиб бораётганлиги ҳам бунга ёрқин мисол. Биз Туркия Республикаси номидан Президент мактаблари билан бирга, Республикадаги бошқа таълим муассасалари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламыз.

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда "Таълим соҳасидаги ислохотлар ва муваффақиятли ҳамкорлик" мавзусида халқаро таълим форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур форумда Туркия ва дунёнинг 30 га яқин давлатларидан кўплаб эксперт ва мутахассислар иштирок этишди.



Кун якунида "Янги Ўзбекистон" университетида Президент талим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган халқаро форум якуни ва Агентлик тизимидаги "Янги Ўзбекистон" университетининг тантанали очилиш маросими муносабати билан маданий тадбир ташкил этилди.


Тадбирга йиғилганлар миллийлигимизни тараннум етувчи муסיқий меросимиздан бахраманд бўлдилар. Концертда Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Фаррух Зокиров ва мақом, опера ва бахшичилик санъатининг намоёндалари иштирок этиб, тадбирга алоҳида файз бағишладилар.



Ўзбекистон Қаҳрамони Муножат Йўлчиева "Ўзбекистон дейдилар" ва "Тановар" кўшиғини ижро этмоқда




Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров "Ялла" ансамбли репертуаридан "Ўзбекистон" деб номланган кўшиғини ижро этмоқда



Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри "Янги Ўзбекистон" муסיқий композициясини ижро этмоқда



Хорижий ва маҳаллий меҳмонлар форум якунига бағишланган концерт дастурида иштирок этмоқда



Ўзбекистон халқ артисти Ақлбек Пиязов Юбер Жеро "Париж" деб номланган кўшиғини ижро этмоқда



Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли хонандалари ижро этмоқда



Стефаниа Джанини

YUNESKO бош директорининг таълим масалалари бўйича ўринбосари

Ўтган йилнинг июль ойида мамлакатингизга ташрифим чоғида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг кучли сиёсий иродаси жамиятни таълим орқали ўзгартиришга катта ёрдам бераётганининг гувоҳи бўлдим. Таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ёшлар орасида таълимни тарғиб қилиш, уларнинг саводхонлигини ошириш ҳамда аёлларнинг муносиб иш топиш имкониятларини кенгайтиришга жалб қилиш учун муҳим ташаббусни белгилаб берди.



Стив Кинг

“Cambridge Assessment” халқаро таълим ташкилотининг таълим йўналиши бўйича бош маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида Учинчи Ренессанс амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари раҳбарлигида тубдан ислохотлар бошлаб берилди. 2018-йилдан буён Ўзбекистон билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилиб келар эканман, “Cambridge Assessment” Президент таълим муассасалари агентлигининг асосий хорижий ҳамкорларидан бири ҳисобланади.



Жемал Йилдиз

Туркия Миллий таълим вазирлиги Олий ва хорижда таълим ва халқаро алоқалар бўйича бўлим бошлиғи

Форум доирасида Президент таълим муассасалари агентлиги билан ўзаро англашув меморандумини имзолдик. Мазкур меморандум икки томонлама ҳамкорлик алоқаларимизни янада кучайтиради, деб умид қиламан. Биз Туркия томони сифатида Президент таълим муассасалари агентлиги билан талабалар алмашинуви ва бошқа бир қанча соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.



Мартин Севиор

Notingem Trent университети

Форум давомида Агентлик томонидан олиб борилаётган ҳайратланарли ишлар ва Ўзбекистон таълими ислохотларига қўшаётган ҳиссаси билан шахсан танишдим. Президент мактаблари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг ўз ишига садоқати ва ўқувчиларнинг иқтидорининг гувоҳи бўлдим. Бундай иқтидорли ёшлари бор мамлакатнинг келажаги шубҳасиз буюқдир. "Янги Ўзбекистон" университети жаҳоннинг энг илғор таълим даргоҳларидан бўлишига шубҳам йўқ.



Вижай МС Кумар

MIT J-WEL директори

Бизнинг ташкилотимиз бутун дунёда таълимни ижобий томонга ўзгартириш ва шакллантиришда иштирок этади. Бунда халқаро ҳамкорлар билан ишлаймиз, Шулардан бири "Янги Ўзбекистон" университetidир. Мазкур университет нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа ҳудудлари учун ҳам ўзига хос моделга айлана олади. Биз мазкур университет билан ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқчимиз. Бунда ўзимизнинг энг яхши тажрибаларимизни "Янги Ўзбекистон" билан бўлишамиз.



Денис Уоддингем

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган Халқаро таълим форуми иқтидорли ўзбек ёшлари учун жаҳон даражасидаги таълим имкониятларини яратиш мақсадида таълим соҳасидаги хорижий ҳамкорларни бирлаштириш учун ажойиб имконият бўлди. Британия Кенгашининг вакили сифатида таъкидлар эканман, мактаблар ва "Янги Ўзбекистон" университети учун Буюк Британия таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам берамиз.



John Brisson

Massachusetts Texnologiyalar instituti
J-Wel Oliy ta'lim bo'yicha maslahat
kengashi raisi, professor



Vijay MS Kumar

Massachusetts Texnologiyalar Instituti
(MIT) J-WEL direktori




Julia Reynolds-Cuellar

Massachusetts Texnologiyalar Instituti
(MIT) J-WEL Oliy ta'lim bo'yicha direktor
yordamchisi



Jana Legtenborg

"TUM International" Biznes taraqqiyoti
tashkiloti bo'limi rahbari





Lachin Italmazova

"Times Higher Education" tashkiloti
mintaqaviy direktori



Martin Seviour

"Nottingham Trent" universiteti PEAP
(Akademik maqsadlar uchun yo'naltirilgan
ingliz tili) dasturi rahbari



Jemal Yildiz

Turkiya Milliy ta'lim vazirligi Oliy va xorijda
ta'lim va xalqaro aloqalar bo'yicha bo'lim
boshlig'i




Shanmugam Moorthi

"Team Coach" International tashkiloti
rahbari (Malayziya)

Туркия Республикаси Миллий Таълим вазирлиги билан ўзаро англашув меморандуми

Ушбу ўзаро англашув меморандуми доирасида Президент таълим муассасалари агентлиги ва Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш, таълим муассасалари томонидан таълим дастурлари билан ўзаро алмашиш, талабаларнинг илмий ва маданий тадбирларда иштирок этиши бўйича келишиб олдилар.



Notingem Trent университети (Буюк Британия) билан ўзаро англашув меморандуми

Notingem Trent Университети Буюк Британиянинг энг йирик университетларнинг 10 талигига кирган бўлиб, 2017 йилда Times Higher Education халқаро рейтинг ташкilotи томонидан "Йил университети" мақомига сазовор бўлган. Бугунги кунда университетда тахсил олаётган талабалар сони 36 000 га яқин. Президент таълим муассасалари агентлиги ва Notingem Trent университети ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандуми икки ташкilot орасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви имкониятларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратади.



Portsmouth университети (Буюк Британия) билан ўзаро англашув меморандуми

Portsmouth университети Буюк Британиянинг «Топ-30» лигидан ўрин олган ҳамда ТЕФ (Теачинг Екселленсе Фрамеворк) ташкilotи томонидан ўқитиш даражаси энг юқорилардан бири деб баҳоланган. Агентлик ва Университет ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандуми Агентлик тизимидаги мактабларда педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини яратиш, таълим соҳаси мутахассисларининг ўзаро ташриф буюриш имкониятларини ўрганиш, ўзаро манфаатли илмий-тадқиқот фаолиятининг мумкин бўлган йўналишларини кўриб чиқишни, шунингдек, таълим соҳасида тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш каби мақсадларни ўз ичига олган.



Team Coach International (Малайзия) билан ўзаро англашув меморандуми

Малайзияда ташкил топган Team Coach International профессионал таълим ва малака оширишга ихтисослашган ва 20 йилдан ортиқ тажрибага эга халқаро ташкилот ҳисобланади. Унинг ҳамкорлари орасида Intel, ACCA, Petronas, Asia University, Curtin University Malaysia каби таниқли ташкилотлар ўрин олган. Форум доирасида Агентлик билан имзоланган Ўзаро англашув меморандуми Агентлик билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишни таъминлайди.



MIT J-WEL (АҚШ):

Массачусетс технология университети ташаббуси билан ташкил етилган J-WEL халқаро таълим ташкилоти MIT профессор-ўқитувчилари ва ходимлари билан биргаликда таълимдаги кенг кўламли ўзгаришлар учун глобал имкониятларни қўллаб-қувватлайди. J-WEL бутун дунё бўйлаб таълим соҳасида мукамаллик ва ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида фаолият олиб боради.

Имзоланган икки томонлама ҳужжат "Янги Ўзбекистон" университетидеда ўқув дастурларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш ва профессор-ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ташкил этиш орқали таълим сифатини ошириш чора-тадбирларини ўз ичига олади.



Times Higher Education (Буюк Британия):

Times Higher Education 1971 йилда фаолиятини бошлаган олий таълимнинг янгиликлари ва бошқа масалаларига бағишланган енг йирик халқаро ҳафталик журнал ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб дунёнинг олий таълим масканлари бўйича "Times Higher Education World University Rankings" рейтингини тузиши ва чоп этиши билан машхур.

Имзоланган ҳужжат "Янги Ўзбекистон" университетига университетларнинг "Times Higher Education Top-1000" халқаро рейтингига кириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича консултация бериш, шунингдек, нуфузли жаҳон медиа ресурсларида университет фаолиятини ёритиш бўйича ҳамкорлик учун асос ҳисобланади.





Туркия Миллий таълим вазирлиги Агентлик тизимидаги мактаб битирувчиларининг **5** нафарига Бурса университетига грант ҳамда **2** нафар ўқитувчини Туркияда тажриба алмашинуви орқали малакасини ошириб беришга келишилди



NOTTINGHAM
TRENT UNIVERSITY

Nottingham Trent университети **9** та ижод мактабидаги инглиз тили фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириш бўйича келишиб олинди

Натижалар:

- 1 Президент таълим муассасалари агентлиги ва хорижий ташкилотлар билан 6 та меморандум имзоланди
- 2 Тошкент шаҳрида жойлашган 14 та халқаро ташкилот вакиллари форумда иштирок этиб, Президент таълим муассасалари агентлиги фаолияти билан яқиндан танишдилар
- 3 Форумда 400 га яқин хорижий ва маҳаллий педагоглар иштирок этиб, ўз касбий маҳоратини ошириб, илғор хорижий тажриба билан танишдилар
- 4 Олий таълим муассасаларининг 150 нафар педагог ходимлари форумда иштирок этиб, ОТМларни Times Higher Education рейтингининг топ-1000 таликка кириш стратегиялар билан танишди
- 5 Халқ таълими тизимидаги 200 нафар инглиз, аниқ ва табиий фан ўқитувчилари ялпи мажлис ва шўбаларда иштирок этиб, ўз малакаларини оширдилар
- 6 Times Higher Education университетлар рейтингини шакллантирадиган ташкилот билан шартнома имзоланди
- 7 Маҳаллий ва хорижлик ўқитувчилар томонидан таълимнинг янги инновацион технологияларига асосланган 40 та маҳорат дарслар ўтказилди.
- 8 Форумда иштирок этган хорижий меҳмонлар томонидан Кенгаш тузилиши, ушбу кенгаш аъзолари этиб форумнинг барча иштирокчилари белгиланиши ҳамда форум ҳар йили ўтказилиши таклифи берилди
- 9 Янги Ўзбекистон таълими миллий брендида хорижий меҳмонлар томонидан алоҳида урғу берилиши таъкидланди
- 10 Cambridge ҳамда Агентликнинг миллий ўқув дастурлари уйғунлашуви юқори натижаларни кўрсатганлигини инobatга олиб, ушбу тажрибани бошқа давлатларга ҳам улашиш ўта муҳимлиги инobatга олинди
- 11 2022 йилнинг феврал-март ойларида Агентлик тизимидаги таълим муассасалари директорлари Nottingham Trent университетига малака оширишлари учун юборилиши келишиб олинди
- 12 Times Higher Education ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасалари учун ТОП-1000 таликка кириш стратегияларини ишлаб чиқиш вазифаси кўриб чиқилди;
- 13 2022 йил январ ойида Англияда бўлиб ўтадиган таълим форумида Агентлик Янги Ўзбекистон таълими соҳасидаги ислохотлари юзасидан тақдимот ўтказиши белгилаб олинди





PREZIDENT TA'LIM MUASSASALARI AGENTLIGI



+998 (71) 207-20-17



info@piima.uz



Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Маҳтумқули кўчаси

